

Зикрнинг афзали «Лаа илааха иллаллоҳ», дуонинг афзали «Алҳамдулиллаҳ»



04:51 / 23.09.2025 1162

لَوْ قِي مَلَسَ وَهِيَ لَعَلَّ لَإِيَّ صَدِّ لَلِ لَوْ سَرُّ تَعْمَسَ لَأَقُ نَعُ لَلِ يَضَرُّ رِبَّ أَجْ نَع
هَلْ لُدْمَحْ لَلِ أَعْدَالُ ضَفْ أَوْ هَلْ لَلِ أَلِ هَلْ لَلِ رُذُلُ لَضَفْ أ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Зикрнинг афзали «Лаа илааха иллаллоҳ»дир. Дуонинг афзали «Алҳамдулиллаҳ»дир», деганларини эшитдим».

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф Аллоҳ таолони зикр қилишни истаган бандаларга зикр лафзи нима экани ҳақидаги дастлабки дарсдир. Ким Аллоҳ таолони махсус лафз ила зикр қилишни истаса, «Лаа илааха иллаллоҳ»ни кўпроқ айтсин. Ўшанда энг афзал зикрни қилган бўлади, яъни одам боласи

айтиши мумкин бўлган энг афзал лафзни айтган бўлади.

Кимдир ўзига берилган неъматнинг зиёда бўлишини сўраб дуо қилмоқчи бўлса, бу борадаги энг афзал дуо «Алҳамду лиллаҳ»дир. Чунки «Алҳамдулиллаҳ»да Аллоҳ таолога берган неъматини учун шукр маъноси бор.

Аллоҳ таоло: «Шукр ила неъматлар бардавом бўлур», деган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.